

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият  
вазирлиги хузуридаги**

**Кинематография агентлиги**

**директори в.б.**



**Ш.Т.Ризаев**

**“27” апрел 2024 йил**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги  
Кинематография агентлиги**

**Аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган асосий талаблар:**

**Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмлар учун тайёрланган харажатлар сметасини аудиторлик ташкилотлари томонидан экспертизадан ўтказиш ҳамда Агентлик хузурида фаолият юритувчи Экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланган сметалар асосида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланганлигини текшириш ва Аудиторлик хулосани тақдим этиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги “Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ–6202-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг тегишли хужжатлари асосида Кинематография агентлиги томонидан бадиий, хужжатли ва анимацион фильмлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-209-сон қарорига мувофиқ ҳозирги кунда буюк аждодларимиз тўғрисида тарихий фильмларни суратга олиш ишлари бошланган. Жумладан, буюк саркарда Амир Темурга бағишланган “Улуғ Амир ва донна Мария”, атоқли лашкарбоши “Баҳодир Ялангтўш”, “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий”, қорақалпоқ шоири “Ажиниёз”, туркман шоири “Махтумқули”, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қахрамони Мамадали Топволдиев жасорати ҳақида “Ўзбек ўғлони” номли мураккаб постановкали тарихий-бадиий кинофильмларни суратга олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильмнинг харажатлар сметасини экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқланган харажатлар сметалари асосида бюджет маблағларининг мақсадли

сарфланганлигини текшириб чиқиш ва Аудит хулосасини тақдим этиш керак бўлади. **Бунда:**

**Аудиторлик ташкилотлари белгиланган вазифани қуйидаги принциплар асосида бажариши зарур:**

- аудиторлик текширувидан ўтказиладиган шахслардан, шунингдек, ҳар қандай учинчи шахслардан мустақилликка;
- аудиторлик текширувларини ўтказишда объективликка;
- иш усуллари ва усулларни танлашда мустақилликка;
- аудиторлик текширувларини амалга оширувчи шахсларнинг касбий ваколатларига;
- аудиторлик текширувларини ўтказишда олинган маълумотларнинг махфийлигига.

**Харажатлар сметасини Аудиторлик экспертизадан ўтказиш ва бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини текширувдан ўтказишда аудиторлик ташкилотининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлишлиги:**

- ишлаб чиқариладиган кинофильмлар молиявий-иқтисодий харажатларининг асослилигини экспертизадан ўтказиш;
- молиявий харажатларни ишончлилигини таҳлил қилиш ва тасдиқлаш;
- иқтисодий фаолият самарадорлигини реал ва объектив баҳолаш;
- давлат манфаатларини ва молиявий ҳисоботларнинг бошқа фойдаланувчиларини ҳимоя қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича конструктив таклифларни ишлаб чиқиш. Фаолият самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда – рентабеллик, капиталдан фойдаланиш даражаси, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти ва ўзини ўзи молиялаштириш даражаси аудиторлик ташкилоти мезонларидан келиб чиқиш.

Объектларда аудиторлик хизмати аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин ҳам давом этади ва тузилган шартномалар доирасида объектни текширувчи давлат органлари томонидан текширилгандан сўнг тугатилган ҳисобланади.

**Аудит хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

Аудиторлик ташкилоти давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильмнинг харажатлар сметасини экспертизадан ўтказишда ҳамда фильмни суратга олиш якунлангандан кейин тасдиқланган сметалар асосида фильмларни ишлаб чиқариш учун бюджет маблағларининг мақсадли сарфланганлиги тўғрисида хулоса беради.

Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланганлигини текшириб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 йилдаги “Аудиторлик

фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунига ҳамда амалдаги қонун ости меъёрий ҳужжатларига асосланади.

Аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилганлиги ва корхоналарда аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Аудиторлик текшируви ўтказилгандан сўнг аудиторлик хулосаси тайёрланиши керак.

Кинематография агентлиги жойлашган жойда (Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси 1-уй.) аниқ манзил кўрсатилган ҳолда ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш.

**Танлов иштирокчилари бажарилган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларни Танлов комиссияси раиси номига тақдим этадилар:**

- Танловда иштирок этиш учун Танлов комиссияси раиси номига ёзилган ариза;

- Аудитор ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

- ҳозирги кунда аудиторлик ташкилотининг тугатилиши ёки реорганизация жараёни ҳамда банкротлик тартиб-таомилларнинг йўқлиги, шу кунга қадар Аудиторлик ташкилоти билан шартнома асосида ишлаб келган буюртмачилар ўртасида Суд ва ҳакамлик муҳокамаларининг бўлиб ўтмаганлиги, буюртмачилар ўртасида тузилган шартномалар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги, аудитор ташкилотининг имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошқор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар)да жойлашган банкларда ҳисоб рақамларининг мавжуд эмаслиги ҳақидаги Танлов комиссияси раиси номига қафолат хатлари;

- 2023 йил фаолияти яқунлари миллий тизимига мувофиқ Аудиторлик ташкилотларини рейтинг қилиш бўйича барча бешта кўрсаткичларда мавжудлиги ва у ҳақида маълумот;

- Аудиторлик ташкилоти штатида камида 10 (ўн) тадан кам бўлмаган аудиторлик малака сертификатига ҳамда бошқа хорижий сертификатларга эга бўлган аудиторларнинг мавжудлиги ва улар тўғрисида маълумот;

- Аудиторларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш юзасидан 2,0 млрд.сўмдан кам бўлмаган қийматидаги суғурта полисининг мавжудлиги ва унинг нусхаси;

- Аудиторлик ташкилоти штатида молия ва солиқ органларида 10 (ўн) йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаган иш стажига эга бўлишлиги ҳамда валюта операциялари, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан тузилган

импорт контрактлари бўйича малакага эга бўлган аудиторларнинг мавжудлиги ва улар ҳақида қисқача маълумот;

- Аудитор ташкилотининг Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзолиги ва у ҳақида маълумот;

- Аудит хизматларни кўрсатиш даври ҳар бир кинофильмларни ишлаб чиқаришга кетадиган 6 (олти) ойдан 1 (бир) йилгача бўлган муддатларга тузилган шартномалар асосида хизматларнинг амалга оширилишига розилиги;

- Аудит хизматларни кўрсатиш бўйича кўзда тутилаётган хизмат ҳақлари, жумладан, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмлар учун босқичма-босқич тайёрланган харажатлар сметасини аудиторлик ташкилотлари томонидан экспертизадан ўтказиш ушбу смета қийматининг 0,3 фоиздан 0,5 фоизгача бўлган миқдорларда, Агентлик ҳузурида фаолият юритувчи Экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланган сметалар асосида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланганлигини текшириш ва Аудиторлик хулосани тақдим этиш ушбу сметалар қийматининг 0,5 фоиздан 0,7 фоизгача бўлган миқдорларда нарх белгиланишини кўзда тутилиши;

- Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун Гувоҳноманинг мавжудлиги ва унинг нусхаси;

- Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар (умумий маълумотлар, тарих, алоқа маълумотлари);


- Аудиторлик ташкилотининг танловда иштирокида чоғида солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги ва бу тўғрисида маълумот;

- Ташкилот аудиторларида кўшимча равишда солиқ маслаҳатчиси малака сертификатларини ҳамда бошқа халқаро сертификатларнинг мавжудлиги ва уларни нусхалари;

- Ўтган давр мобайнида аудиторлик ташкилотининг энг йирик мижозлари бўйича рўйхати, шунингдек, киностудиялар билан тузилган шартномалар ва аудиторлик ташкилотининг тегишли тажрибаси ҳақида маълумот.

Юқорида қайд этиб ўтилган маълумотлар ҳақида Кинематография агентлигига ёзма равишда сўралган ҳужжатларни илова қилган ҳолда 10 кун муддат ичида тақдим этишингиз сўралади.

Ишлар бошқарувчиси



Б.Норов